САМАРКАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РЕЖАПОВ ХАЙРИЛЛО ХИКМАТУЛЛАЕВИЧ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

УДК 331.0.378.1

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical sciences

Режапов Хайрилло Хикматуллаевич
Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш..... 3

Режапов Хайрилло Хикматуллаевич
Совершенствование взаимоотношения между услугами высшего образования и рынком труда……..... 30

Rejapov Khayrillo Khikmatullayevich
Improving the relationship between higher education services and the labor market.……..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 60

САМАРКАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РЕЖАПОВ ХАЙРИЛЛО ХИКМАТУЛЛАЕВИЧ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1. PhD /Iqt193 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот–таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Вахабов Абдурахим Васикович** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий опонентлар:	**Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Кучаров Аброржон Сабирджанович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.I.18.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2020 йил «23» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (998 66) 233-19-84; факс (998 66) 233-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (027 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (998 66) 233-19-84; факс (998 66) 233-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «9» июль куни тарқатилди.

(2020 йил «9» июл даги 5 рақамли реестр баённомаси)

М.Э.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.Э.Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.М.Мухаммедов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотига кўра, «25-34 ёшли аҳоли ўртасида олий маълумотлилар улуши Корея Республикасида 69,6 фоиз, Канадада 61,8 фоиз, Японияда 60,7 фоиз, Ирландияда 56,2 фоиз, Литвада 55,6 фоиз, Швецарияда 51,2 фоиз, Буюк Британияда 50,8 фоиз, АҚШда 49,4 фоиз, Франция 46,9 фоизни ташкил этади»[1]. Ишловчиларни интелектуал даражаси ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланган таълим хизматлари бозори аҳолини таълим жараёнига жалб этиш ва келажакда меҳнат бозорининг тегишли сегментида инсон мавқеини кучайтириш имконини беради. Меҳнат бозори ўз навбатида таълим бозорига таъсир этиб таълим хизматлари сифати ва миқдорига нисбатан ижтимоий буюртмани шакллантиради.

Жаҳонда олий таълим хизматлари бозорининг шаклланиши ва унинг инфратузилмасини барқарор суръатларда ривожланиши, олий таълим тизимини тижоратлаштириш, олий таълим хизматлари билан меҳнат бозорининг ўзаро алоқаси, таълим сифати ва унинг ривожланиш механизмини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларини молиялаштириш тизими, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш, давлат-хусусий шериклик асосида олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг методологик-услубий жиҳатлари бўйича муҳим илмий изланишлар олиб борилмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлашуви меҳнат бозорини ривожланишини таъминлаб, ишчи кучини тайёргарлиги даражаси, сифати ва касбий малака кўникмаларини таркибига бўлган талабни ўзгартириб, инсон капиталини такрор ишлаб чиқариш тизимини ислоҳ этишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз.... ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз керак ..... Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади .... Мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз. .... Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик»[2], деб таъкидлаб ўтилган. Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг назарий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммо ҳисобланади.

---

[1]Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти.(OECD) https://data.oecd.org/chart/5Hc6

[2]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./ Халқ сўзи, 2020 йил, 25 январь. -3 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 8 октябрда «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелда «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, 2018 йил 5 июнда «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 октябрда «Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашда давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низоми 877-сонли, 2019 йил 7 июнда «Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 467-сонли Қарорлари ва ушбу йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори ва таълимда ижтимоий хизматлар тизими, уни амал қилиш механизми, бандлик муносабатларини тартибга солиш, инсон капитали сифатини оширишнинг, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги мавқеини назарий-методологик жиҳатлари хорижлик олимлар У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Д.Миль, А.Маршалл, А.Пигу, Д.Кейнс, Х.Хансен, Т.Шульц, Г.Беккер[3] ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Олий таълим тизимини тижоратлаштириш, таълим хизматлари бозорини шаклланиши, таълим хизматлари ва меҳнат бозорининг ўзаро алоқаси, таълим сифатини ошириш механизмини такомиллаштириш масалалари МДҲ олимлари Е.Жильцов, Н.Александрова, А.Гордиенко, У.Зиннуров,

[3] Петти У. Экономические и статистические работы. – М.: Соцэккгиз, 1940. – С.92, 94. 154, 156, 171.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Наука, 1962. – Кн. 1-3 – 628 с.; Рикардо Д. Сочинения. – М.: Соцэкгиз. 1961. – Т.1 – 412 с.; Миль Д. Основы политической экономии. – М.: Прогресс, 1980. – Т2. – 271 с.; Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1984. – Т.3. – С. 218.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния. В 2 т. – М.: Прогресс, 1985. –409 с.; Кейнс Д.М. Общая теория занятости, поцента и денег. – Петрозаводск: Петроком, 1993. – 360 с.; Хансен Э. Экономические циклы и национальный доход. –631 с.; Schultz T.W. Investment in Education: Equity-Efficiency Quandary. – Chicago: University of Chicago Press, 1972. –P. 304; Backer G. The Human Capital.Chicago. 1964. –P. 285.

В.Чекмарев, Э.З.Зеер, А.Другов, Л.И.Антошкина, А.Г.Сергеев, В.В.Кучерова, В.М.Баландин, А.В.Макаров, М.В.Лыбанева, Е.А.Федосенко, В.А.Иванов, А.В. Селезнева[4] ва бошқалар томонидан таҳлил қилинган.

Ўзбекистон иқтисодчи олимлари[5] А.В.Вахабов, Х.Г.Алимджанов,

---

[4] Жильцов Е.Н. Основы формирования хозяйственного механизма в сфере услуг. – М.: МГУ, 1991.– С. 5-7; Александрова Н.А. Образовательная услуга: основные свойства и социальная роль. // Экономическе обозрение: проблемы теории и практики. – Кострома, 1995. – С. 39-40.; Гордиенко А.А. Социокультурные основания эволюции образования будущего. // Современное образование: проблемы и перспективы. – 1995. – С. 5-19.; Зиннуров У.Г. Маркетинг в деятельности вузов. – М.: УГАТУ, 1993. – 226 с.; Чекмарев В.В. Циклические процессы в образовании и экономика образования. –С-Пб., 1995. - С. 170-172; Зеер Э. З. Идентификация универсальных компетенций выпускников работодателем. // Высшее образование в России. – 2007. – № 11. – С. 39–45.; Другов А. Прблемы и направления модернизации высшего образования в Украине. // Вестник КНЕТУ. 2007. –№5, –С. 127-134; Антошкина Л.И. Высшее образование в системе общественных интересов: Монография-Донецк ООО «Юго-Восток ЛТД».2008 г., 284 с; Сергеев, А. Г. Качество высшего образования: учеб. Пособие/ Владим. ГУ им. А. Г. и Н. Г. Столетовых. – Владимир : Изд-во ВлГУ, 2017. – 83 с.; Макаров А. В. Качество высшего образования как важнейший элемент безопасности системы образования россии. // Международный научно-исследовательский. 2017. –№02(56) Часть 1. –С. 34-36. – URL: https://research-journal.org/politology/kachestvo-vysshego-obrazovaniya-kak-vazhnejshij-element-bezopasnosti-sistemy-obrazovaniya-rossii/ (дата обращения: 23.10.2019.). doi: 10.23670/IRJ.2017.56.043; Лыбанева М. В. Государственное партнерство в сфере образовательных услуг в условиях модернизации высшего образования в России: автореф. дис. канд ... экон наук. –СПб: Балт. Акад. туризм и предпринимательство 2017. – 21 с.; Федосенко Е. А. Развитие государственно-частного партнерства в системе высшего профессионального образования: автореф. дис. канд ... экон наук. –СПб.: 2012. –19 с.; Иванов В.А., Селезнева А.В. Особенности применения стандартов ISO в высших учебных заведениях. // Высшее образование сегодня. – 2013. – № 8. – С. 39–42.

[5] Вахабов А. В., и др. Высшее образование в Центральной Азии задачи модернизации. Тематическое исследование на примере Казахстана, Таджикистана, Кыргызкой Республики и Узбекистана.Всемирный Банк. 2005. –С. 188-214.; Вахабов А.В. Олий таълим сифатини оширишнинг хориж тажрибасидан Ўзбекистон олий таълим тизимини ислоҳ этишда фойдаланиш имкониятлари. // Олий таълим сифати иқтисодий диагностикаси: жаҳон амалиёти ва миллий хусусиятлари. Рес. илм. амал.конф. матер. тўп.. – Наманган, 2019. – 403-407 б.; Вахабов А.В., Бахтиёров Б.Б. Инсон капиталининг инвестицион самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари. // Миллий иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эхтиёжни баҳолаш ва прогнозлаштириш. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Lesson Press. 2017. – 5-12 б.; Алимджанов Қ.С. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уни молиявий жиҳатдан таъминлаш масаласи: иқт. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 19.; Ғуломов С., Бегалов Б. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида таълим сифатини юксалтириш йўллари. // Иқтисодиёт ва таьлим. – 2010. –№2. –Б. 72-75.; Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. Zarafshon. –Самарқанд.: 2017. –299 б.; Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. –384 б.; Зайналов Д.Р. Услуги и сервис как экономическая категория. // Сервис. 2009, –№1. –С. 70-77.; Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиѐти (дарслик). –Т.: Меҳнат. –2009. –512 б.; Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Фан ва технологиялар, 2016. –332б.; Очилов А.О. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш: Иқт. фан. док. (DSc) дисс. –Т., 2018. –241 б.; Рахмонов Н.Р. Минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асосида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш. Иқт. фан. док. (DSc) дисс. автореф. –Тошкент, 2019, 82 б.; Саидов М.Х. Экономика, инвестиция и маркетинг высшего образования – Т.: Молия. 2002. –332 с.; Умурзаков Б. Х. Миллий иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар ва меҳнат ресурслари. // Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари. Респ. илм.-амал. конфер. матер. тўп. – Т.: Университет. 2016. –26-27 б.; Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари (Ўзбекистон ўрта-махсус, касб- хунар тизими мисолида): иқт. фан. ном. дис. автореф. –Т, 2005. –24 б.; Усманова Р.М. Таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш: иқт. фан. ном. дис. автореф. –Т. 2012. –24 б.; Эргашев О.А. Таълим тизимининг иқтисодий бошқарув асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси ўрта-махсус, касб хунар тизими мисолида) : иқт. фан. док. дис. автореф. ТошДТУ 2006. – 24 б.; Эшбаев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири: иқт. фан. ном. дис. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 21.; Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида) : иқт. фан. ном. дис. автореф. – Т.: 2012. –27 б.; Исхакова С.А. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари даромадларини ошириш ва таркибини такомиллаштириш стратегияси (Олий таълим хизматлари соҳаси мисолида): иқт. фан. фал.

С.С.Ғуломов, М.М.Мухаммедов, Қ.Ж.Мирзаев, М.Қ.Пардаев, Д.Р.Зайналов, Қ.Х.Абдурахмонов, Ш.Р.Холмўминов, Н.У.Арабов, Б.Б.Бегалов, А.О.Очилов, Н.Р.Рахмонов, М.Х.Саидов, Р.М.Усманова, Б.Х.Умурзаков, Д.Х.Набиев, Р.М.Усманова, А.О.Эргашев, А.Х.Эшбаев, Ш.Ш.Зохидова, С.А.Исхакова, А.А.Салимов, Ш.Э.Курбанов, Э.А. Сейтхалилов, О.Д. Рахимовларнинг илмий асарлари миллий таълим тизимини сифатини ошириш ва олий таълим хизматлари бозорини амал қилиш механизмини такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқот ишларида ўрганилаётган муаммога нисбатан тизимли ёндашув айрим элементлари қўлланилган бўлсада, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги иқтисодий муносабатларни назарий-методологик асослари тизимли тарзда комплекс тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳолат тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва илмий амалий аҳамиятга эгалигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг «Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган тизимли илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини назарий асосларини комплекс таҳлил этиш;

меҳнат бозори билан олий таълим тизимининг кадрлар тайёрлашдаги иқтисодий алоқаларини аниқлаш;

хорижий мамлакатларда олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини ташкил этишнинг бой, илғор тажрибалари, моделларидан Ўзбекистон амалиётида ижодий қўллаш имкониятларига оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқлигининг ҳуқуқий-институтционал асосларини ўрганиш, баҳолаш, ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорлари ўртасидаги муносабатлар механизмини ўзаро боғлиқлиги ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, таҳлил этиш ва гуруҳлаш;

док. дис. автореф. (PhD). –Самарқанд.: 2019. –64 б.; Салимов А.А. Таълим соҳасида инсон тараққиёти концепциясининг асосий йўналишлари. : иқт. фан. фал. док. дис. автореф. (PhD). –Самарқанд.: 2019. –55 б.; Курбанов Ш.Э, Сейтхалилов Э.А. Таълим сифатини бошқариш. – Т., 2006. –553 б.; Рахимов. О.Д. Таълим сифати – ҳаёт сифати. // Ўқув-услубий қўлланма, Қарши: ТАТУ филиали нашриёти. 2015, –45 б.

олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини тартибга солиш механизмини таҳлил этиш, уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларнинг назарий ҳамда амалий асослари, уларни ўзаро алоқадорлигининг иқтисодий механизми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро алоқаларини такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатларни мажмуаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнини олиб боришнинг методологик асосини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, умумлаштириш, график тасвирлаш, статистик таҳлил, қиёсий таҳлил этиш, дедукция, индукция, истиқболлаштириш, иқтисодий-математик усуллар ва статистик маълумотларни ўрганиш методлари ташкил этади.

Тадқиқот илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим тизимида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш механизми такомиллаштирилган;

олий таълим тизимига Болонья шартномаси ва тамойиллари асосида ўқув дастурлари ва режаларини такомиллаштириш, олий таълим тизимида кредит-модуль тизимини тўлиқ жорий қилиш таклиф этилган;

малакали мутахассисларни тайёрлаш, кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасини шакллантириш ва кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштиришда мутахасисларнинг сони ва сифати таркибидан келиб чиқиб ташкил этиш таклиф этилган;

иш ўринларини ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантиришда давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизми ва кадрларга бўлган эҳтиёжни сонини аниқлашнинг бозор муносабатларига хос услубиёти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Меҳнат иқтисодиёти», «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти», «Инсон тараққиёти ва аҳоли турмуш даражаси» фанлари бўйича талабаларда амалий кўникмаларни ҳосил қилишга хизмат қилган;

олий таълим тизимини жаҳон таълим тизими билан интеграциялашувини ривожлантиришда олий таълим тизимига Болонья жараёни доираси, тамойиллари асосида ўқув дастур ва режаларни такомиллаштириш олий таълим тизимида кредит-модуль тизимини жорий қилиш асосида такомиллаштирилган;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш услубиёти такомиллаштирилган;

нодавлат сектори учун малакали кадрларни тайёрлаш, меҳнат ресурсларини тартибга солувчи нодавлат ташкилотларини тузиш, уни малакали ходимларга, иш ўринларини ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлашга бўлган давлат буюртмасини шакллантиришда давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизми ҳамда кадрларга бўлган эҳтиёж миқдорини аниқлашнинг бозор муносабатларига хос услубиётини жорий этиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида қўлланилган ёндашув, усул ва маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар математик усуллар билан илмий асосланганлиги, илмий хулоса ва амалий таклиф, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган илмий-назарий ва амалий тадқиқот натижаларидан олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорида бозор муносабатларини ривожланиши, уни амал қилишида талаб ва таклиф қонунлари асосида янада такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни, бозор муносабатларининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, бозорларни тартибга солиш, инсон капиталини бозор талаблари асосида ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг хорижий тажрибалардан олий таълим хизматларини истиқболи прогнозларини тузишда фойдаланиш билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга мўлжалланган давлатнинг мақсадли дастурлари, концепцияларини ишлаб чиқишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолияти самарадорлигини оширишда, олий таълим муассасаларида «Иқтисодиёт назарияси», «Меҳнат иқтисодиёти», «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти», «Ижтимоий сиёсат» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва талабаларга ўқитишда манба сифатида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олий таълим тизимида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш таклифи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 октябрдаги 931-сонли буйруғини 2.2 бандида амалиётга тадбиқ қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 89-04-2555-сонли маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида олий таълим тизимида давлат хусусий шерикликни ривожлантириш, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ҳисобига ўрта

махсус таълим муассасалари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш имконияти яратилган;

олий таълим тизимига Болонья шартномаси ва тамойиллари асосида ўқув дастур ва режаларни такомиллаштириш ҳамда олий таълим тизимида кредит-модуль тизимини ўқув жараёнларига тўлиқ жорий қилиш таклифидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 апрелдаги 380-сонли буйруғини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 89-04-2555-сонли маълумотномаси). Натижада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибидаги олий таълим муассасаларида Болонья шартномаси ва тамойиллари асосида ўқув дастур ва режаларни такомиллаштириш, олий таълим тизимида кредит-модуль тизимини ўқув жараёнларига жорий қилиш асосида талабаларни мобиллиги ва ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасалари билан интеграциялашуви ошишига имконият яратилган;

кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасини шакллантириш учун кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштиришда мутахасисларнинг сон ва сифат таркибидан келиб чиқиб ташкил этиш бўйича таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 октябрдаги 877-сон Қарори билан тасдиқланган «Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашда давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомни 17-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 6 декабрдаги 01/00-00/19-9658-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши натижасида нодавлат секторининг малакали ходимлар ва олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабларини шакллантириш самарадорлиги ва аниқлигини оширишга хизмат қилган;

иш ўринларини ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантиришда давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизми, кадрларга бўлган эҳтиёж сонини аниқлашнинг бозор муносабатларига хос услубиёти бўйича берилган илмий таклиф ва амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 октябрдаги 877-сон Қарори билан тасдиқланган «Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашда давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомни 4-иловасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 6 декабрдаги 01/00-00/19-9658-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши натижасида кадрларга бўлган эҳтиёж сонини аниқлашнинг бозор муносабатларига хос услубиёти такомиллаштирилган ҳамда юқори малакали олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабларни шакллантириш самарадорлиги ва аниқлигини ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий журналларда 16 та илмий мақола, шундан 2 таси хорижий ва 14 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Олий таълим хизматлари билан меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни назарий асослари»** деб номланган бўлиб, унда олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини таҳлил этишнинг методологик ёндашувларини ривожланиши, меҳнат бозорини олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашдаги иқтисодий алоқалари, олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини ташкил этиш, улар ўртасидаги муносабатларни кучайтиришни хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг бандлик даражаси муҳим иқтисодий категория бўлиб, меҳнат бозори бандлик тизимининг таркибий унсури ҳисобланади. Меҳнат бозорини қайта тартибга солиш, эгилувчан, функционал жиҳатдан яккалаштирилган ва ностандарт бандлик шаклларига ўтиш зарурати тўғрисидаги илмий қарашларини ўрганиш асосида узоқ хориж иқтисодчи олимларини меҳнат бозори билан олий таълим ҳизматлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни назарий концепциясининг таҳлили, уларни тадқиқ этишдаги методологик ёндошувларни турличалиги, эгилувчанлиги, изчиллиги ва бир вақтнинг ўзида зиддиятлилиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Таълим хизматларини нафлилиги, уни умумий ва чегаравий фойдалилигига бўлиниши нуқтаи-назардан ўрганиш лозим. Таълим хизматлари муайян билимларни олиш кўринишида ифодаланган, махсус турдаги фаолият натижасида эришилган фойдали самарани ифодалаб, таълим хизматлари бозор ва нобозор шаклларига эга бўлган шахсий ҳамда жамоа эҳтиёжларини қондирадиган аралаш неъматларни ўзида ифодалайди ва

таълим хизматлари турли таълим йўналишларига мувофиқ ҳолда сифат жиҳатдан фарқланади.

Меҳнат бозорининг моҳиятини ёритиш учун, унинг иқтисодий тушунчалари аппаратини назарий жиҳатдан ўрганиш талаб этилади. Фикримизча «меҳнат бозори» ва «бандлик» категориялари ўзаро боғлиқ бўлиб, меҳнат бозори алмашинув соҳасидаги муносабатларни, бандлик эса – ишлаб чиқаришда меҳнат хизматларини кўрсатувчи ишчи кучидан, меҳнат шартлари асосида, ундан фойдаланишни ифодалаб, уларга талаб ва таклиф асосида тегишли шарт-шароитларни яратиш зарур.

Меҳнат бозори бўйича иқтисодий қарашларни қиёсий таҳлил этиш асосида унга қуйидагича таъриф бериш мумкин. «Меҳнат бозори - меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлаб берувчи, иш берувчилар билан ёлланма ишловчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ташкил этувчи ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тузилмадир».

Иқтисодий адабиётларда таълим тизимини ривожланишига бағишланган турли илмий қарашлардан бирида «таълим ривожланиш ва ҳаёт кечиришнинг асосий ижтимоий-генетик механизмига айланади»[6] деб ҳисобланса, иккинчи илмий қарашда «таълимга касбий фаолият ва ҳаёт учун тайёрлаш институти сифатида эмас, балки ҳаётнинг ўзини ташкил этиш институти сифатида қараш керак»[7] деб, учинчи илмий қарашда эса «меҳнат бозорини сегментлаш назариясига мувофиқ ташкил этиш зарур[8]» деб таърифланган. Фикримизча, таълим хизматлари, таълим муассасалари тизими билан чекланмасдан бутун жамият миқиёсида амалга оширилади.

Жаҳон олий таълим хизматларининг XXI аср бўсағасидаги ривожланишини молиялаштириш моделларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Олий таълим хизматларини молиялаштиришнинг биринчи модели неолиберализм модели деб номланиб, М.Фидлин, Ф.Чаба ва Ф.Хаск каби олимлар томонидан таҳлил этилган ва АҚШ, Япония, Австралия, Корея Республикаси, Янги Зеландия ва Жанубий Африка мамлакатларида қўлланилади. Ушбу модел вакиллари фикрича олий таълим муассасалари ва минтақаларда жойлашган корхоналар ҳамкорликда олий таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал этадилар.[9] Жумладан, 2016 йилда АҚШ олий таълим тизими харажатларини 34%и, Японияда 32%и, Корея Республикасида эса 23%ини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.[10] Ғарбий Европа мамлакатларида бозор иқтисодиётини трансформацияланиши муносабати билан олий таълим хизматлари ўртасидаги муносабатларни

---

[6] Субетто А.И. Манифест системогенетического и циклического мировоззрения и Креативной Онтологии. – Тольяти, 1994. – С. 30.

[7]Гордиенко А.А. Социокультурные основания эволюции образования будущего. // Современное образование: проблемы и перспективы. – 1995. – С. 5-19.

[8]Doeringer P., Piore M., Internal Labour Markets and Manpower Analyses Lexington. Mass, 1971. –P. 1-9; Standing G. Unemployment and Labour Market Flexibility. ILO, –Geneva, 1986. – P. 19-20.

[9]Другов А. Прблемы и направления модернизации высшего образования в Украине. // Вестник КНЕТУ. 2007. –№5. –С. 127-134.

[10]Бюллетень о сфере образования июнь 2017, 12 // Реформы высшего образования: отечественный и зарубежный опыт. –23 с. // http://ac.gov.ru/files/publication/a/13584.pdf

барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш олий таълим инсон билимини меҳнат фаолиятида, ишлаб чиқаришда асосий воситага айланиши билан боғлиқ ҳолда Болонья жараёнидаги муаммо сифатида биргаликда ҳал этиш талаб этилади[11].

Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг иккинчи модели олий таълим соҳасида ижтимоий бозорни шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, унинг назарий асосини «халқ капитализми» концепцияси ташкил этади. Ушбу назариянинг асосчилари Дж.Шумпетр, Дж. Гидденс ва Х.Майерлар ҳисобланиб, модель Канада, Буюк Британия, Испания ва Италияда қўлланилади.[12] Бу олий таълим тизими модели қисман бозор муносабатларига асосланган бўлиб, давлат томонидан молиялаштириш даражасини камайиб бориши ва аксинча хусусий молиялаштириш манбалари улушини муносабатларини ўсиб боришига асосланади[13].



1-расм. Олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик механизми[14]

Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг учинчи модели олий таълим тизимида бозор муносабатларини ривожланишига қарши модель.

---

[11]Болонский процесс-структурная реформирование высшего образования на европейском уровне. (электронный ресурс) –режим доступа: http://Kpi.ua/bolona.

[12]Режапов Х.Х. Олий таълим тизимида хориж тажрибалар ва улардан фойдаланиш икониятлари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2017. –№ 2. март-апрель.

[13]Задумкин К.А. Региональная инновационная система: теория и практика формирования. Вологодский научно – координационный центр ЦЭМИ РАН, 2008. –С. 45.

[14] Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

Хусусийлаштиришга қарши асосланган ушбу таълим модели Германия, Франция, Норвегия, Дания, Швеция, Финландия каби мамлакатларда қўлланилмоқда. Жумладан олий таълимни молиялаштиришда давлат бюджетининг улуши Норвегияда 97%, Данияда 96%, Финляндияда 95 %, Швецияда 89%, Германияда 85%, Францияда 84%[15] ташкил этмоқда.

Жаҳонда олий таълимга талаб ошиб бормоқда, жумладан 2000 йилда дунёда жами 97 млн. талабалар бўлган бўлса, 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткич 262 млн.ни ташкил қилиши кутилмоқда.[16]

Давлат-хусусий шериклик тизимида лизинг (шартнома) билан белгиланган шартлар асосида, давлат инфраструктура объектларини маълум ҳак тўлаш асосида хусусий шерикка берилади ва у ушбу мулкини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Давлат-хусусий шериклигидаги ҳолатда давлат ва хусусий сектор инвестициялар киритадилар. Давлат томонидан объектга нисбатан эгалик ҳуқуқи ва назорати сақланган ҳолда фаолиятдан олинган даромад тегишли тартибда тақсимланади. Акционерлик – механизмига эса мулк тўлиқ хусусий секторга тегишли бўлиб, давлат томонидан солиқлар кўринишида имтиёзлар берилади (1-расмга қаранг).

Давлат хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда иш жойлари бўйича миллий информация банклари мавжуд бўлиб, ушбу бандлик хизмати иш жойлари, касбий-психологик ишсизлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва тўпланган ахборотларни компьютер тизими асосида тарқатиш орқали мамлакатларда иш жойлари билан таъминлаш самарадорлиги бўш иш ўринлари ваканцияларини тўлдириш вақти билан белгиланади.

«**Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш механизми»** деб номланган иккинчи бобда олий таълим хизматлари билан меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқлигини ҳуқуқий-институтционал асослари, олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини тартибга солиш механизми, унга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган.

Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини тартибга солиш механизмини ўрганиш асосида бозор иқтисодиёти шароитида олий таълим хизматлари билан меҳнат бозорини ҳамкорликда олий таълим муассасалари томонидан миллий хўжалик учун зарур бўлган олий малакали мутахассисларни меҳнат бозори талаблари даражасида тайёрлаш, уларни иш жойлари билан таъминлаш, иккала бозорлар фаолиятларини ташкил этиш ҳамда мувозанатлаш механизми ҳисобланади. Олий таълим ва меҳнат бозори хизматларини талаб ва таклиф асосида ўзаро боғлиқлигини 2-расмда кўриш мумкин.

Иш қидираётган талабгорлар фикрича, талаб юқори бўлган касблар қуйидаги таркибга эга бўлди: фаолиятни бошлаётган талабалар – 25%, ишлаб чиқариш – 18%, савдо – 12%, ахборот коммуникация ва технологиялар –

---

[15]Бюллетень о сфере образования июнь 2017, 12 // Реформы высшего образования: отечественный и зарубежный опыт. –23 с. // http://ac.gov.ru/files/publication/a/13584.pdf

[16]KatsarovaI. Higher education in the EU approaches, issues and trends. // European Parliamentary Research Service. Members' Research Service March. 2015. – PE 554. 169. p3. http://www.eprs.ep.parl.union.eu

12%, маъмурий персонал – 10%, транспорт, логистика – 10%, топ-менежмент – 6% ва ҳоказо. Иш берувчилар фикрича, талаб юқори бўлган касблар таркиби қуйидаги кўринишга эга бўлди: савдо – 34%, тиббиёт, фармоцевтика – 21%, ахборот коммуникация ва технологиялар – 12%, маркетинг, реклама, PR – 7%, санъат, масс–медия – 5%, бухгалтерия, молия – 5%, ишлаб чиқариш, туризм, мехмонхона ва ресторан тармоқлари – 4% ва ҳоказо[17].



2–расм. Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзаро боғлиқлиги[18]

2019 йил бошларида энг юқори иш ҳақи тўланадиган касб соҳалари сафига ҳуқуқшунослик – 18,0 млн. сўм, топ-менежмент – 16,9 млн. сўм, ахборот коммуникация ва технологиялар – 14,4 млн. сўм касблари эътироф этилди[19].

Коронавирус пандемияси шароитида мамлакатимизда 2020 йил март-май ойларида 2019 йилга нисбатан бўш иш ўринлари сони пасайиш тенденциясига эга бўлди. Агар карантиндан олдин маркетинг, савдо, коммуникация ва технологиялар мутахассисликлари масофавий иш жадвали асосида ишлайдиган соҳаларда бўш иш ўринларини улуши 1 фоиздан ошмаган бўлса, апрель ойида 3 фоизга ортган, етакчи касб йўналиши бўлиб маркетинг, савдо, ахборот технологиялари бўлган. Карантин даврида масафадан туриб ишлаш мутахассисларига талаб 10 фоиздан 13 фоизга ортган.[20]

---

[17]Бизнес-среда Узбекистана. Ежегодный отчёт 2019. http://dgp.uz/wp-content/uploads/Business_environ DGPRC rus.pdf

[18]Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

[19]Ўша ерда.

[20]Зарплаты и запросы: как изменился рынок труда Узбекистана на фоне карантина // https://www.spot.uz/ru/2020/06/19/vacancies/

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан бозор иқтисодиёти шароитида олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини тартибга солиш механизми қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

- бозор муносабатлари шароитида давлат асосий иш берувчи субъект бўлиши билан бирга нодавлат иш берувчи субъектлар фаолиятларини қонун ва меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар орқали назорат қилиш билан биргаликда қонунларни янги ҳуқуқий қоидалар ва нормативлар қабул қилиш орқали такомиллаштириш;
- иш билан бандликни таъминлаш асосида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражаларини яхшилаб бориш;
- олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори субъектларининг ҳуқуқий ва моддий жавобгарликларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, олий таълим хизматлари бозорини тартибга солиш механизмини ташкил этишдан иборат.

Олий таълим хизматлари бозорида олий малакали мутахассисларга бўлган талабни тармоқ соҳалари бўйича таъминлаш масалалари меҳнат бозори билан узвий ўзаро боғлиқликда хал этилиши лозим ва ушбу нисбатларни мувофиқлаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- олий малакали мутахассисларга бўлган талабни ишлаб чиқариш корхоналарининг тармоқ таркибини ўзгариши ҳисобига пасайиши талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга боғлиқ;
- ёшлар ўртасида касб танлаш бўйича тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш;
- тармоқлар бўйича зарур бўлган мутахассисларни тайёрлашни истиқболлаштириш, ёш мутахассисларни иш жойлари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш;
- олий таълим хизматлари тизими ва меҳнат бозори фаолиятини мунтазам равишда иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш учун тегишли қарорларни қабул қилиш лозим. Ушбу чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун олий таълим тизимини бошқариш муассасаларида ахборот таҳлил қилиш бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни олий малакали мутахассисларни тайёрлаш рейтинги тўғрисидаги маълумотларни аҳолига етказиб туриш ва давлатнинг назорат қилиш механизмини такомиллаштириб бориш зарур.

Олий таълим муассасалари юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг устувор йўналишларини таълим хизматлари бозори билан ҳамкорлик асосида амалга оширишлари лозим. Ушбу ҳамкорликни амалга ошириш учун олий таълим хизматлари билан меҳнат бозорини ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириш зарур (3-расмга қаранг).

Олий малакали мутахассисликларга бўлган ялпи талаб ва ялпи таклиф нисбатини таъминлаш учун мунтазам равишда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш зарур. Давлат олий таълим бозорини барқарор ривожланишини таъминлашда ташқи ва ички муҳитлар таъсирини эътиборга олиш зарур.



3-расм. Олий таълим хизматлари билан меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро боғлиқлик механизми[21]

Олий таълим тизими томонидан тайёрланаётган кадрлар халқаро ва миллий меҳнат бозорларида муносиб ўринни эгаллашда қатор муаммоларга жумладан, олий таълим тизимидаги амал қилаётган таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилотининг «Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи» (МСКО) даражалари билан уйғунлашмагани, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг миллий квалификация тизими тўлиқ жорий этилмаганлиги туфайли мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли шахсларнинг малакаси ва иш лавозими билан боғлиқ турли номувофиқликларга дуч келмоқда. Мамлакатда иш ўринларига эга банд эркакларнинг 50,9 фоизи ва аёлларнинг 50,1 фоизи ўз мутахассислигига оид юқори лавозим мансабларида ишлайди. Таҳлиллар кўрсатишича, 60 фоиз ишчилар ўз малакасидан пастроқ лавозимларда фаолият кўрсатмоқда.[22]

Миллий малака рамкаси жорий этилиши билан республика, минтақа, тармоқлар ва ташкилотларда иш ўрнига талабни олдиндан прогнозлаш имконияти вужудга келади. Бирламчи талабни бевосита ишлаб чиқариш соҳаси белгилаб бера бошлади ва янги касблар шакллана бошланди. Таҳлиллар кўрсатишича ....АҚШда ҳар йили 700-750 та янги касблар пайдо бўлади. Ўзбекистонда эса ҳукумат томонидан 2014 йилда касблар рўйхати тасдиқланган ва ўтган давр мобайнида бирор янги касб тасдиқланмаган, қайси касбларга талаб юқорилиги тўғрисида тегишли таҳлил, статистикалар йўқ. ....Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланган 18,5 мингта лавозим ва касб турлари мавжуд бўлиб, улардан бирортасининг паспорти

[21]Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида шакллантирилган.
[22]Пинали Э.«Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар» // https://kun.uz/news/2020/01/28/ozbekistonda-60-foiz-ishchi-oz-malakasidan-quyi-lavozimda-ishlaydi-otb-vakili

шакллантирилмаган. Миллий малака тизимини яратилиши, ушбу йўналишда тегишли аниқ таҳлиллар олиб боришга шарт-шароитлар яратиб беради.[23]

4-расм. Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини боғланиш механизми[24]

Бозор механизми умумлашган тушунча бўлиб ўз таркибига бозорларни бошқариш услублари ва ўзаро боғланиши жиҳатларини қамраб олиб, улар ўзаро мустақил равишда олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорида бозор бошқарувини ташкил этишга хизмат қилсаларда, улар ўзаро боғлиқ бўлиб бир-бирларининг фаолиятларига ўз таъсирларини ўтказадилар. Бозор муносабатлари шароитида олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорларини ўзаро боғлиқлик даражаси (4-расмга қаранг) субъектларни ўзаро харакатларига боғлиқ бўлади.

Турли бозорлар амал қилиши шароитида уларнинг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш механизмининг: биринчидан, бозор муносабатларини мазмуни ва хусусиятларини бандлик ва олий малакали мутахассисларни тайёрлашда, иккинчидан олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорларини ўзаро таъсири натижасида улардаги тўғридан-тўғри ва тескари боғлиқлик бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф қонуни талабларига мувофиқ ўрнатилади.

Таҳлиллар кўрсатишича 2000-2010 йилларда мамлакат олий ўқув юртларига қабул квоталари миқдори икки баробар кўпайган ҳолда аксинча 2010-2016 йилларда қабул ҳажми меҳнат бозори талабларига қарама-қарши ўлароқ қисқарди. 2017 йилдан бошлаб эса қабул режаси икки баровардан ортиқ кўпайди. Давлатнинг, жумладан Иқтисодиёт вазирлигининг олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатга маъмурий усуллар орқали кескин аралашуви салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Мамлакат ёшлари ўқиш мақсадида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Корея Республикаси каби бошқа мамлакатларни олий ўқув юртларига ҳужжат топшириб хорижга кета бошладилар.

Ушбу масалани хал этиш мақсадида 2020 йил февраль-март ойларида мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларига

[23]Умурзаков Б. Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар. // https://kun.uz/40838894

[24]Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

қўшни мамлакатларда таҳсил олаётган талабаларга ўқишини кўчиришга рухсат берилди[25].

Республикада кадрлар тайёрлашга бўлган талабни олий таълим муассасаларига ажратилган қабул квоталари миқдори ва хужжат топширган абитуриентлар сони ўртасидаги нисбат ўсиши кўрсаткичлари (1-жадвал) орқали таҳлил этиш мумкин.

1-жадвал.

Олий таълимга талабаларни қабулини ривожланиш кўрсаткичлари[26]

Тармоқлар/йиллар	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	Ўзгариши, %да
Қабул режаси	31,6	59,6	64,1	63	61,2	85,7	102,7	146,5	463,6
Ҳужжат топширганлар сони	214,1	286,9	385,7	605,8	663,3	729,9[27]	622[28]	1066,9[29]	498,3
Бир ўринга тўғри келадиган абитуриентлар сони	14,7	20,8	16,6	10,4	9,2	11,7	16,5	11,3	76,8

2017-2019 йилларда мамлакат олий таълим тизимида жиддий сифат ўзгаришлари амалга оширилди. 2019 йилда 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан 9 та нуфузли хорижий университетлар филиаллари очилди[30].

Мамлакатда ўрта мактаб, академик лицей ва коллеж битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиниш даражаси 2017 йилгача 9 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2018 йилда 13 фоизни, 2019 йилда 20 фоизни ташкил этди ва 11 пунктга кўпайди. 2020 йилда республика бўйича умумий ўрта таълим мактабларини 641 минг нафар ўқувчи тугатади. 2020-2021 йилда битирувчиларни олий таълим билан қамров даражасини ошириш учун 160 мингдан ортиқ ёшларни олий таълимга қабул қилиниши керак. Шу мақсадда 2020 йилда 10 та маҳаллий, 3 та хорижий ва 5 та давлат – хусусий шериклик шартлари асосида олий таълим муассасаларини очилиши режалаштирилган.[31]

Тадқиқотларимиз кўрсатишича уч йилдан буён айрим ҳудудларда соғлиқни сақлаш, педагогика соҳаларида қадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларига мақсадли қабуллар амалга оширилмоқда.

---

[25] http://xs.uz/uzkr/post/qoshni-davlatlardan-oqishini-kochirishga-ariza-topshirganlarning-nechtasiga-rukhsat-berildi

[26] Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Статистик тўплам. Тошкент 2001 йил. Йиллик статистик тўплам. Тошкент 2015 йил, Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. Тошкент-2016 йил 142-143 б.

[27]http://www.dtm.uz/post/view/2017-2018-o-quv-yilida-respublika-otmlariga-hujjat-topshirgan-abituriyentlarni - hududlar-kesimida-ta-lim-sohalari-bo-yicha-taqsimoti

[28] https://aniq.uz/yangiliklar/yakun-otmga-hujjat-topshirgan-679-979-nafar-abiturientdan-17-353-nafari-imtihon-larda-qatnashmadi

[29] https://web.telegram.org/#/im?p=@eduuz

[30]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020 й. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

[31]https://kun.uz/news/2020/01/04/2020-yil-ozbekistonda--18ta-yangi--otm--faoliyati-yolga-qoyilishi-rejalashtirilgan

Келтирилган 5-расмда ҳудудлар бўйича ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси келтирилган. Ушбу кўрсаткич бўйича етакчиликларни республикада Тошкент шаҳри 31,5 фоиз, Навоий вилояти 31 фоиз, Бухоро вилояти 28,6 фоиз, Қорақалпоғистон республикаси 24,4 фоизни ташкил қилади.



5-расм. Ўзбекистон минтақаларида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси (% ҳисобида)[32]

Республикада олий таълим муассасаларига қабул қилинадиган талабалар миқдорини ортишини эътиборга олиб, олий ўқув юртларини моддий-техника базасини мустахкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан мамлакатдаги академик лицей ва коллежларнинг юзга яқин бинолари ОТМлар тасарруфига берилди. Мутасадди ташкилотлар фикрича, мамлакатда 2022 йилгача қўшимча ўқув биноларига эҳтиёж бўлмайди, аммо 2023 йилдан бошлаб эса эҳтиёж сезилади ва қўшимча биноларни қуриш бўйича амалий ҳаракатлар олиб борилади[33].

Диссертациянинг учинчи боби «**Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори муносабатларини оптималлаштириш йўналишлари»,** деб номланиб, унда олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини инсон капиталини ривожлантиришдаги ўрни, ушбу бозорлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш истиқболлари ва олий таълим тизимини сифатини оширишнинг устивор йўналишлари тадқиқ этилган.

Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорини инсон капиталини ривожлантиришдаги ўрнини ўрганиш асосида миллий иқтисодиётни барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда инсонни билим ва малакавий даражаларини ошишини таъминлаш асосида унинг меҳнатининг капиталлашуви даражасини ўсиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча инсон меҳнатининг капиталлашуви даражаси, унинг бутун онгли фаолиятида

[32]Муаллиф томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган. https://www.edu.uz/uz/pages/sss

[33]https://kun.uz/news/2020/01/04/2020-yil-ozbekistonda--18ta-yangi--otm--faoliyati-yolga-qoyilishi-rejalashtirilgan

жамланган билимлари ва касбий малакаларининг ўсиб боришида ифодаланади. Инсон меҳнатининг капиталашуви даражаси таълим тизимини узлуксиз ривожланиши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорида олий малакали мутахассисларга бўлган талаб нисбатларини оптимал, барқарор бўлишини таъминлашда уларнинг иш жойларини ўзгартиришлари, мобиллиги ва олий таълим хизматлари субъектлари бўлган университет ва институтлар томонидан мутахасислар тайёрланиш жараёнига таъсирини эътиборга олган ҳолда ушбу нисбатга таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, биринчидан бу шахсий омил бўлиб, шахснинг олган олий малакали ихтисослиги бўйича иш жойларини бўлинишига қараб талаб ва таклиф асосида амалга оширилиши керак. Иккинчидан олий малакали мутахассисларга маълум йўналишлар бўйича иш жойларини ташкил этилишига боғлиқ. Ушбу ҳолат иқтисодиёт тармоқларида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида янги, юқори технологияларни қўллаш, янги инновацион тармоқлар ҳисобига ўзгариши мумкин.

